



ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
АМАЛИЁТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАЛИ ТАДБИРЛАРИГА ОИД ХОРИЖ
ТАЖРИБАЛАРИ ХУСУСИДА

Исламов Эркин Гайратович -
Тошкент молия институти
мустақил тадқиқотчиси

doi: [doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss3/a73](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a73)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва модернизациясининг ҳозирги босқичида ташқи савдо операцияларини солиққа тортиши амалиётини бошқариш самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, ташқи савдо операцияларини солиққа тортиши, оффшор зоналар, трансферт нархлар.

**ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕР ПО УПРАВЛЕНИЮ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕМ
ВНЕШНЕТОРГОВЫХ ОПЕРАЦИЙ**

Исламов Эркин Гайратович -
соискатель Ташкентского финансового института

Аннотация. В статье научно обоснованы возможности использования зарубежного опыта эффективного управления практикой налогообложения внешнеторговых операций на современном этапе экономической либерализации и модернизации в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, налогообложение внешнеэкономических операций, оффшорные зоны, трансферные цены.

**ABOUT FOREIGN EXPERIENCES ON EFFECTIVE MEASURES FOR THE MANAGEMENT OF
TAXATION OF FOREIGN TRADE OPERATIONS**

Islamov Erkin Gayratovich -
competitor of the Tashkent Financial Institute

Abstract. In the article, the possibilities of using foreign experiences regarding the effective management of the practice of taxation of foreign trade operations at the current stage of economic liberalization and modernization in the Republic of Uzbekistan are scientifically substantiated.

Key words: foreign economic activity, foreign trade, export, import, re-export, re-import, taxation of foreign economic operations, offshore zones, transfer prices.

Кириш. Жаҳонда тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланиш борасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев «Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш ўта муҳим аҳамиятга эга» [1] эканлигини таъкидлади.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида ташқи савдо фаолиятининг ривожланишини солиқлар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмини янада такомилластириш ҳозирги вақтда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ташқи савдони тартибга солишда мамлакатлар ўзларининг ички манфаатларидан келиб чиқиб, солиқлар ва божлар орқали тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб келмоқда. Иқтисодий тараққий этган мамлакатлар, хусусан, «АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, шунингдек, жадал ривожланиб бораётган Хитой, Жанубий Корея ва бошқа кўп-

лаб давлатлар» [11] тажрибаси кўрсатадики, ташқи савдо фаолиятини тартибга солишда халқаро ҳисоб-китоб амалиётида қўлланилаётган тажрибалардан миллий иқтисодиётда самарали фойдаланиш долзарбdir.

Жаҳоннинг етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган давлатларда экспорт-импорт операцияларини солиқлар орқали тартибга солиш механизимларини назарий ва методологик асосларини такомилластириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида ташқи савдо фаолияти субъектларининг солиққа тортиш механизми, молия-хўжалик фаолиятига солиқлар таъсирини ўрганиш, баҳолаш, прогнозлаشتариш услуги масалалари такомилластирилган. Аммо жаҳон мамлакатларида солиқлар орқали ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш турли даражада бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда халқаро даражада эришилган натижаларнинг тўлиқ жорий этилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда жадал амалга оширилаётган иқтисодий, шу жумладан, ташқи савдо фаолиятини тартибга солишга қаратилган ислоҳотларнинг натижасида ҳозирги кунда импортнинг ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-кувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Солиқлар орқали тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳити яратилиши таъминланди. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун хорижий сармояларни устувор йўналишларга жадалроқ жалб қилишга, уларга кафолат ва имтиёзлар беришга, лицензиялар, “Ноу-хай”лар сотиб олишга, валюта тушумларини кўпайтиришга қаратилган изчил сиёsat олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «2022 йил бошланган «Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди. Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харжатларини компенсация қилиш давом эттирилади. Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камидаги 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз. Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади» [2].

Ҳозирда “Мамлакатнинг жаҳон миқёсидағи аҳамиятли, барқарор ва мустаҳкам мавқеларни эгаллашини таъминлашнинг муҳим солиқ дастаклари, айниқса, ташқи савдо фаолиятини солиқка тортиш амалиётини самарали бошқариш билан боғлиқ ва ушбу масала Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси [3]да муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Шу боис ҳозирги кунда ташқи савдо операцияларини солиқка тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини тадқиқ этиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бўйича хорижлик олимлардан А.Смит [4], Дж.С.Милль, Ф.Листом, В.Репке ташқи савдо фаолиятини солиқлар ва бож тарифлари орқали тартибга солиш масалаларини тадқиқ этишган.

А.Смит ташқи савдо фаолиятида эркинлик принципига амал қилинишини, божхона орқали

тартибга солишини мумкин қадар камайтиришни, уларнинг аралашувини фақат иқтисодиётни ривожланётган тармоқларига ҳимоя чораси сифатида қўлланилишини назарда тутган.

Дж. Милль [5] вақтингчалик божхона божлари ва нотариф чеклашлар бу соҳада энг керакли тартибга солиш дастаклари сифатида давлатнинг ўзида хорижий саноат корхоналарини яратишга қаратилиши, бундан ташқари инқизозга йўл туваётган тармоқларни қўллаб-кувватлашга, охир-оқибат носоғлом хўжалик фаолиятини яхшилашга таъсир кўрсатишими айтиб ўтган.

Ф.Листом ташқи савдони тартибга солишда қўлланиладиган божхона усуллари табиий бойикларига бой ва катта ер майдонларига эга давлатларга қўлланилиши лозимлигини, иқтисодий ўсишга эришган мамлакатлардагина протекционистик божхона сиёсати қўлланилса, ўзини оқлашини билдириб ўтган.

В.Репкенинг [6] таъкидлашича, ташқи савдо жараёни ва божхона фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари жамиятнинг умуммиллий муаммоларининг қай даражада ҳал этилишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бундай шароитда давлат марказий аҳамият касб этувчи омил сифатида амал қиласи. “Бозор тизими соғ ҳолда умуммиллий муаммоларни ҳал этишга ҳамда жамиятнинг ижтимоий соҳаларига муудофа ва давлат бошқаруви, жамоат тартибини сақлаш, ягона энергетика тизимининг ишлаб туришини таъминлаш вазифалари давлат зиммасида бўлиши лозим. Бу масалаларнинг ҳал этилиши охир-оқибатда ташқи савдонинг тараққий этиши ва божхона тўлақонли ички келишувларга эришиш, товарлар айланмаси ҳамда хизматлар ҳаракатини давлатлараро мувофиқлаштиришга эришилади.

Мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятини солиқлар ва бож тарифлари орқали тартибга солишга доир тадқиқотларда ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш механизмининг мазмуни баён этилган. Жумладан, Р.А.Турапов [7] ташқи савдо ва божхона фаолиятини ташкил этишининг назарий масалалари ва амалий йўналишларига тарихан юртимизда ҳам жуда катта эътибор берилганлигини таъкидлаб ўтган.

Д.Ҳайдарованинг [8] таъкидлашича, бошқарув қарорлари самарадорлиги кўп жиҳатдан экспорт-импорт таркибида намоён бўлади. Қатор олимлар томонидан иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан экспорт-импорт ҳажми ва ўсиш сұръатлари ҳамда уларнинг мамлакатлар бўйича тақсимланиши каби иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари таклиф этилган.

Ў.Т.Комилов [9] ўз қарашларида, божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик борасида мав-

жуд ёндашувларни ижобий баҳолаган ҳолда шуни таъкидлаганки, қуидаги ёндашув ўзининг кенг қамровлиги билан ажралиб туради, яъни “божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик божхона сиёсати ижроси ва божхона ишини самарали ташкил этиш асосида божхона органларига юклатилган вазифаларни иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан тўлиқ ва сифатли бажариш ҳамда миллий иқтисодиётни самарали ривожлантиришга йўналтирилган божхона воситаларини қўллаш асосида тегишли ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлаш лаёқатидир” деб таъкидлаган.

Ф.Шариповнинг тадқиқотида “Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солища солиқ сиёсатини такомиллаштириш” масалалари илмий асослаб берилган [10].

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш, индукция ва дедукция каби анъанавий усууллардан фойдаланилди. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодчи-олимлари ва тадқиқотчиларининг ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига оид фикрлари ҳамда бу соҳадаги хориж тажрибаси илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва натижалари асосида хulosалар шакллантирилган.


Таҳлил ва натижалар. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий шаклларидан бўлган – таш-

ки савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли, асосан, савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини чиқариш, қўллашга қаратилган бўлади. Ҳар бир мамлакатдаги савдо сиёсатида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳукукий ва бошқа масалалар узвий боғлангандир. Савдо сиёсатининг туб мөҳиятидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий масалалар асосий ҳисобланади.

Мамлакатлар ўз ички бозорларини ҳимоя килиш, чет эл бозорларига кўпроқ товарлар чиқариш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятларнинг савдо сиёсатини мавжуд воситалар ёрдамида тартибга солади.

Ташқи савдо сиёсати Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан маҳсулотлар, хизматлар ва технологиялар айрбошлишини қамраб олган ташқи савдо фаолияти муносабатларини ўрнатиш ва тартибга солиш тадбирларининг мажмуи ҳисобланади.

Ташқи савдо экспорт сиёсати Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбар дошлигини таъминлаш ва уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилганлигидир. Ташқи савдо импорт сиёсати – Ўзбекистон Республикасига хорижий маҳсулотлар, иш ва хизматлар киритилишини тартибга солишга йўналтирилганлиги (1-расм).



1-расм. Ташқи савдо мазмуни ва шакллари [10]

Шундай қилиб, ташқи савдо фаолиятини солиқлар орқали тартибга солиш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда солиқ ва божхона органлари ҳар йили қуидаги божхона тўловлари бўйича истиқбол режаларини ортиғи билан бажарип келмоқда (1-жадвал).

**2013-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида божхона тўловлари ижроси
таркибининг тақсимланиши, %**

Божхона тўловлари	ЙИЛЛАР						2022 йилда 2017 йилдагига нисбатан
	2017	2018	2019	2020	2021	2022	
1. Кўшилган киймат солиги	58,23	56,2	54,48	54,06	60,4	76,0	+17,77
2. Акциз солиги	16,24	17,28	17,26	17,26	14,34	4,4	-11,84
3. Божхона божи	22,14	23,62	24,92	25,75	22,5	15,8	-6,34
4. Божхона йигими	2,43	2,04	1,84	1,81	2,29	2,8	+0,27
5. Бошқа тушумлар	0,96	0,86	1,5	1,13	0,48	1,0	+0,04
Жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	-

Ушбу божхона тўловлари ижросини ошириб бажаришга қуйидаги омиллар таъсир этган, яъни ташқи савдо айланмаси ҳажмининг кенгайиши, товарларнинг божхона қиймати тўғри белгиланиши, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг ундирилиши, валюта курсининг кўтарилиши ва бошқа омиллар ҳисобига эршилгандир.

Хозирги кунда ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларидан фойдаланиш зарурлиги шунда намоён бўладики, унда Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш амалиётини тизимили тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашнинг муҳим асоси бўлмиш “давлат ташқи савдо мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғуллаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш лозим [11].

Ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш вазифалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларига асосланган солиқ сиёсати асосида солиқ тўловчилар учун яратилган янгича шароит ва иктисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш механизми самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари” тушунчаси мазмунинг тизимили ёндашувга асосланган янги таъриф бериш;

– солиқ амалиёти тадқиқи асосида, ташқи савдо операцияларини солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантиришнинг тизимили муаммоларини аниqlаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тизимини тавсия этиш;

– солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ тўловчилар молиявий имкониятлари тизимида ги ҳозирги замон ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо операцияларини солиққа тортишнинг самарали механизми асосида ташқи савдо соҳасининг фискал базадаги иштироқини комплекс баҳолаш услубиётини таклиф этиш;

– ташқи савдо операцияларини солиққа тортиш амалиётида ижтимоий-иктисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат ташқи савдо мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғуллаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини илмий асослаш.

Хулоса ва таклифлар.

Шундай қилиб, ҳалқаро солиқни режалаштириш тамойиллари, қоидалари, усуслари, умуман ташқи иктисодий фаолиятнинг солиқ жиҳатларини таҳлил қилиш уларнинг аҳамиятини, шунингдек, солиққа тортиш даражасини оптималлаштиришнинг турли усуслари мавжудлигини кўрсатади.

Солиқ солишини оптималлаштириш корхоналар ва давлат ўртасидаги зиддият мавжудлигини англатмаслиги керак.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳалқаро солиқни режалаштириш, оффшор режимлардан фойдаланиш, трансферт нархларини белгилаш орқали солиққа тортиш даражасини оптималлаштириш чет эл капитали оқимининг кўпайишига ёрдам беради, бошқарув фаолиятининг юқори малакали тури бўлиб, турли даражадаги манбалардан олинган кенг кўламли маълумотлардан фойдаланишни талаб қиласди. Умуман, хорижий давлатларнинг бой ижобий тажрибалари асосида мамлакатимизда ташқи савдони тартибга солища солиқ сиёсатини такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Мамлакатимизда ташқи савдо операцияларини янада ривожлантириш ва Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун қўйилган шартларни ўрганиш асосида акциз солиги ва импорт товарлардан олинадиган акциз солиғини товар позицияларини бирхиллаштириш натижасида, ҳалқаро амалиётдан келиб чиқиб, акциз солиғи ва

импорт товарлардан олинадиган акциз солиғини товар позицияларининг сони бўйича яқинлаштириш ва бу орқали Жаҳон савдо ташкилоти томонидан қўйиладиган талабларни бажариш имконияти пайдо бўлар эди.

2. Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида олиб кирилаётган товарлар бўйича божхона тўловларини камайтириш орқали айрим товарларни ички бозорда сотиш нархларини пасайтиришга эршилар эди.

3. Республикамизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш учун бериладиган имтиёзларни мақбуллаштириш, яъни узоқ муддатга берилишини, уларни давомийлигини кўриб чиқиши натижасида давлат бюджетига қўшимча маблағлар жалб этиш имкони туғилар эди.

4. Ташқи савдони солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш, республиканинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишига замин яратиш мақсадида божхона таърифлари ставкаларини такомиллаштириш орқали бож ставкаларининг пасайишига эришиш мақсадга мувофиқ,

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил – шиддатли ислоҳотлар йили. – Т.: Адолат, 2018. – 96 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 21 декабрь. www.lex.uz
3. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси. www.lex.uz
4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2009. – 186 с.
5. Нуриев Р.М. Критика базовых предпосылок современных макроэкономических теорий. – М.: Институт экономики РАН, 2014. С. 4-10.
6. Roopke W. International Order and Economic integration Dordrecht-Holland D. Reidel Publishing Compane.
7. Турапов Р. Ўзбекистон Республикасида божхона фаолияти самарадорлигини ошириш: услугият, ҳолати, асосий ўйналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
8. Ҳайдарова Д. Экономическая безопасности Узбекистана в контексте развития внешней торговли. – Т., 2008.
9. Комилов Ў.Т. Шораҳмедов Ш.Ш., Асқаров И.Р., Комилов М.М. Божхона тизимида бошқарув асослари. – Т.: ФТДК "ДИТАФ 2002". 147-б.
10. Шарипов Ф.Ғ. Ўзбекистонда ташқи савдони тартибга солишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 73 б.
11. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (05), 151-163.
12. <http://www.wto.org>